



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 23 июль, № 144 (5311)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри юртошлар!
Шу кунларда галла тайёрлаш мавсуми-га яқун ясаб, юсак хирмон бунёд этган захматқаш ва фидойи деҳқонларимизнинг мардона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдириш, уларни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклиш менга катта мамнуният етказди.

Бу йилги ўта оғир мавсум шароитида бундай улкан ғалабага эришиш, яъни 6 миллион 800 минг тоннага яқин галла хирмони яратиш, жумладан, суғориладиган майдонлардан 6 миллион 700 минг тонна ҳосил олиш нақадар машаққатли меҳнат эвазига бўлганини барчамиз яхши тушунамиз ва бунинг учун азамат деҳқонларимизга ҳар қанча тахсин-тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Ҳақиқатан ҳам, об-ҳаво гоят ноқулай келган, кучли сув танқислигининг салбий таъсири барча ҳудуд ва минтақаларимизда яққол сезилиб турган жорий йилда мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ходимлари ҳар қачонгидан ҳам мураккаб қийинчиликларга дуч келганини кўплай мисолларда кўриш мумкин.

Аввало, кузда ва кўкламда ёгингарчиликнинг етарли даражада бўлмагани туфайли галла ниҳолларини бир текис ундириб олиш қанчалик қийин бўлгани эсга олайлик. Афсуски, бундай вазият кўп йилларда лалми майдонларга экилган галланинг нобуд бўлишига олиб келди. Сув танқислиги, ўз навбатида суғориладиган майдонларда ҳам жиддий муаммоларни туғдирди. Тупроқда намлик даражасининг етишмаслиги, ҳаво ҳароратининг меъёридан ошиб кетиши, қишлоқ хўжалик зараркундалари ва турли касалликларнинг салбий таъсирини бартараф этиш деҳқонларимиздан катта матонат ва маҳоратни талаб қилди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фақат ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш, арготехник тадбирларни пухта ўтказиш, барча куч ва имкониятларни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар

қилиш, ҳар томчи сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш деҳқонларимизга бундай оғир синовдан ёруғ юз билан чиқиш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, ернинг сирини чуқур билиш, тупроқ билан тиллашиб яшаш каби бизнинг деҳқонларимизга мансуб бўлган азалий тажриба ва омилкорлик фазилатлари жорий йилда мана шундай мўл ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратди. Бу йилги ғалабани таъминлашда далада ишлаётган меҳнатчиларимизнинг онгу тафаккури тубдан ўзгарди, уларнинг ўз ери, ўз мулкига нисбатан эғалик ҳисси кучайиб, ўз меҳнатидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлиб бораётгани ҳал қилувчи омил бўлди, деб айтишга тўлиқ асосимиз бор.

Албатта, белгиланган шартнома режасини адо этишда бутун қишлоқ хўжалиги соҳаси қатори галлачиликни зарур моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш, сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилгимойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани деҳқонларимиз учун катта куч ва мадад бағишлади.

Бу йилги мавсумда Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик ўртача 53 — 64 центнерни ташкил этгани, Олтинқул, Пахтаобод, Ромитан, Пешку, Тошлоқ, Қува, Иштихон, Пастдарғом, Оққўрғон, Денов, Сарносиё, Дўстлик, Хатирчи, Китоб, Учқўрғон, Боёвут туманларида бу кўрсаткич ўртача 60 центнердан юқори бўлгани миришкор ўзбек деҳқонининг қандай улғурғон ишларга қодир эканидан яққол далолат беради.

Сарносиё туманидаги "Хайитали Боймухаммедов" фермер хўжалиги гектаридан 88 центнер, Фиждувон туманидаги "Маржона Файз" фермер хўжалиги 80 центнер, Балиқчи туманидаги "Обиджон ота" фермер хўжалиги 76 центнер, Зангиота туманидаги "Шўҳрат Зиё" фермер хўжалиги 76 центнер, Учқўрғон туманидаги "Ҳакимбой" фермер хўжалиги 75 центнер, Хатирчи туманидаги "Баҳ-

риддин ота" фермер хўжалиги 74 центнердан ошириб ҳосил олгани фермерлик ҳаракатининг нақадар беқийс имкониятларга эга эканини амалда кўрсатиб турибди.

Ҳурматли дўстлар!
Қўлга киритилган бугунги улкан ғалаба ҳақида гапирганда, албатта, ўз донимиз, ўз беиминнат номимизга эга бўлиш, галла мустақиллигига эришиш йўлида қўйган тарихий қадамларимизни эсга олишимиз табиийдир.

Ўтган йиллар давомида ва бу йил юрти-мизда галлачилик соҳасида эришган ютуқларимизнинг нақадар катта аҳамият ва қадр-қимматга эга эканини ўзимизга та-саввур қилар эканмиз, мустақиллигимиз қўлга киритган дастлабки йилларни беихтиёр хаёлимиздан ўтказамиз.

Агар 1991 йилда ўлкамизда жами 940 минг тонна галла етиштирилиб, ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилган бўлса, ушбу рақамларни бу йилги хирмон билан солиштирадиган бўлсак, тайёрланган дон маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробардан зиёд, ҳосилдорлик эса 3 қарра ошгани мисолида бизнинг бу соҳада қандай улкан, тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз яққол намоеён бўлади.

Бугун ана шундай рақамлар ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир ўта муҳим ва ҳеч нарсас билан солиштириб бўлмайдиган ҳолатни алоҳида таъкидлашдан бўлмайди.
Бундан 20 йил аввал, яъни совет тузumi даврида республикамизда тайёрланган галланинг барчаси давлат олдидидаги мажбуриятни қоплаш учун топширилган, машаққатли меҳнати билан ҳосил етиштирган деҳқоннинг ўзи эса, донсиз, унсиз қолиб кетар эди. Унинг устига, халқимизни боқош учун ҳар йили 3,5-4 миллион тонна галлани четдан олиб келишга мажбур бўлган ҳолати эсласак, бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган умумий ҳосилимизнинг фақатгина 37 фоизи давлат олдидидаги шартномани бажариш учун топширилаётгани кўп нарсани аңглатади. Тайёрланган доннинг аксарият қисми, яъни 55 фоиздан ортиғи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида

қолдирилаётгани деҳқонларимизнинг омборини ғаллага, рўзғорини кут-бараккага тўлдиршга хизмат қилмоқда.

Мана шу биргина мисолнинг ўзиёқ Ватанимиз истиқлолининг 20 йиллик кутлуг тўйига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда мустақиллик эл-юртимизга унинг манфаатини таъминлашда қандай беқийс имкониятлар яратиб берганининг яққол, ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот талаб қилмайдиган исботи эмасми?

Айни вақтда галлачиликни ривожлантириш ҳисобидан юртимизда озиқ-овқат саноати, чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқлар жадал тараққий топиб, ички бозоримизни ун ва нон, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум билан таъминлаш масаласида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган натижаларга эришаётганимизни бугун ҳар қадамда кўриш, сезиш қийин эмас.

Шу борада амалга оширган изчил саясий-ҳаракатларимиз туфайли биз эндиликда дон бўйича нафақат ўз эҳтиёжларимизни тўла қондиришга, керак бўлса, галлани четга экспорт қиладиган давлатлар каторидан жой олишга муассар бўлганимиз, албатта, барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Мухтарам юртошлар!
Бугунги қувончли айёмда сиз, миришкор галлакорларимиз, илгор механизатор ва комбайнчиларимизни, мутахассис ва мугасаддилар, бу улкан зафарга муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларни яна бир бор қизгин табриклар, ўзимнинг юсак хурматим ва эзгу тилақларимни изхор этаман. Узининг олижаноб, фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилаётган юртошларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака аримасин!

Ҳақиқа бахтингиз, омадингизни берсин, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ОЛИЖАНОБ ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз галлакорлари мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб байрам туҳфаси ҳозирладилар. Улар бугунга қадар қарийб

6 миллион 800 минг тонна сара донни ўриб-янчиб олиб, зиммаларидаги йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан удаладилар. Омборлар донга, кўнгишлар қувончга тўлди. Қувонмай бўладими? Ахир бу ўзимизнинг донимиз, ўзимизнинг номимиз — Ўзбекистон галласи!

Ғаллачиликда қўлга киритилган бу улкан муваффақият замирида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ислохотлар самараси, хусусан, қишлоқ хўжалиги босқичма-босқич ислох қилинаётгани, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштирилиб, иқтисодиёти бартараф субъектлар шакллантирилгани, энг асосийси, деҳқонларнинг меҳнати қадрланаётгани муҳасам, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Натижада экинлар ҳосилдорлиги тобора кўтарилиб, тармоқ самарадорлиги ошиб бораётди. Бунга галлакорларимиз эришган бу йилги зафар яққол мисолдир.

Кувонч

6 миллион 800 минг тонна дон! Бу улкан хирмонини яратиш осон бўлмаганини, деҳқон ва фермерларимиз галлазорларда бўлик бошоқ етиштириш учун не-не машаққатларни бошидан кечиришганини кўпчилик яхши аңглайди. Сабаби, қиш ва баҳор фасларида ёгингарчиликнинг кам бўлиши оқибатида намлик кўп йиллик ўртача меъёрдан паст бўлиб, ҳавзаларда мўлжалдаги сув тўпланмади. Тажрибали деҳқонларимиз табиатнинг ана шу синовини омилкорлик, фидокорона меҳнат, бирдамлик ва ҳамжихатлик билан мардонавор енгдилар. Бу жараёнда давлатимизнинг тармоққа бўлган эътибори, ҳукуматимизнинг гаҳмўрлиги, айниқса, қўл келди.

Дарҳақиқат, жорий йилда ҳар доимгидан-да мўл ва баракали ҳосил етиштирилди. Эл-юрт яқини галла хирмонига, айниқса, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг деҳқон ва фермерлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ушбу вилоятларда гектар ҳисобига 53 — 64 центнердан ошириб ҳосил олинган бўлса, бу борадаги кўрсаткич Олтинқул, Пахтаобод,

(Давоми 2-бетда).



СУВ ЁМОНЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Қундали ҳаётимизни, сизу бизга ризқ берган ерни сувсиз тасаввур этиб бўладими? Асло. Сувсиз — дарахт қурийд, боғлардан файз, далалардан барака қочади. Эсимни танибманки, сувнинг ҳар бир томчисини муқаддас биламан. Ота-боболаримиз сув деган улғу насиба тоғдан тушиб келади ва ҳаммамизни боқади, дейишарди. Сув ҳаммини боқади, яна айтсам, сув ҳамманники. Унга бандаси хўжайин бўлолмайди. Зотан, Яратганини буюк неъмат — обиҳаёт барчага бирдек муқаддасдир.

Муносабат

Тўғриси, газетда "Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида" сарлавҳали бор ҳақиқат ёзилган мақолани ўқидим-у, оромимни йўқотдим.
Эҳ, дедим, бу қандай нодонликки, неча минг йилдан бери ҳаммамизга барабар аталган сувнинг йўлини тўсиб, қон-қариндош, бир тану жон бўлиб келган халқларимиз томирига болта уришдан кўрқинмас-я...
Ахир давлатимиз раҳбари катта

минбарлардан туриб бу ҳақда кўп бора қуноиб гапиряптилар. Бунақа иншоотни қуришдан олдин яхшилаб ўйлаб, етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб бир кесиш, ҳулоса чиқариш лозимлигини такрор-такрор уқтиришларида келажагимиздан қайғураётганликлари кўриниб турибди. Бинобарин, ҳаёт фақатгина бугундан иборат эмас, эртагаям давлатимизнинг эртаси эртаси бўлади. Бизнинг ўрнимизни эртага авлодларимиз эгаллайди. Уларга овоз ва обод Ватани мерос қолдиришимиз ҳар биримиз-

нинг муқаддас бурчимиз эмасми! Мен Юртбошимизнинг Роғун ГЭСи қурилиши борасидаги фикр-мулоҳазаларини жону дилим билан қабул қиламан. Инсон зоти фақат ўз манфаатини ўйлаб яшаса — даҳшат. Бунинг оқибатида болаларимиз ўқиб қолса, виждон азоби қийноқларига қандай дош берамиз? Очиги, давлатимиз раҳбарининг Роғун ГЭСи қурилишига доир ҳар бир сўзи огоҳликка, инсонийликка даъ-

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2011 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунда чўқурлаштириш, тақомиллаштириш ва эркинлаштиришга, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, уни ҳимоя қилишнинг ишончли қафолатлари тизimini яратишга, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги қайд этилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида қабул қилинган, шу жумладан, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юриси тартиб-қоидаларини янада соддалаштиришга, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тубдан қисқартиришга, уларнинг товар-хом ашё ресурсларини, давлат харидлари тизимидан ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини сўзсиз таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, 2010 йил 12 ноябрда республика Парламентининг иккала палатаси қўшма мажлисида баён қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва

(Давоми 2-бетда).

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ

ҳуқуқий асосларни янада тақомиллаштиришни талаб қилади

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан босиб ўтилган йўлимиз, эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилар эканмиз, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ соҳасида қўлга киритган ютуқларимизни бугун дунё тан олаётганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда яқин ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилига 8-10 фоиз атрофида ошиб бормоқда. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа асосий бўғинларда ривожланиш суръатлари жадал бормоқда.

Бугун юртимизнинг шахару қишлоқларини кезсангиз, ҳар бир қадамда аңгилаш ва ўзгариш нафасини туюсиз. Бошқача айтганда, мамлакатимизнинг иқтисодий таҳдиди, халқимиз

бунёдкорлиги қад ростлаётган янги йирик саноат қорхоналари, коллеж ва мактаблар, шифохоналар, йўллар, кўприklar, маданият ва спорт иншоотлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари мисолида намоеён бўлади.

Мазкур ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолнинг илк йиллариданоқ ушбу тараққийёт йўлининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Энг аввало, Конституциямизда хусусий мулкнинг дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса мамлакатимизнинг бозор иқтисодиёти сари жадал одимлашга, инсонлар онгидида аңгила-нишларга замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

ват. Шу боис, бутун вужудим, қалбим билан у кишининг амалий тақлифларини қўллаб-қувватлайман.
Баҳайбат гидроиншоотни қуришдан олдин уни обитобида тўғри ёки нотўғрилигини чуқур ўйлаб қўришнинг нимаси ёмон? Бу борада ақл билан иш тутилса, ҳеч қандай хавотирга ўрин қолмайди.

Қолаверса, бу каби баҳайбат ва беўхшов ГЭС ўрнига ихчамроғи бунёд этилса, сув йўли тўсила-ди, бировнинг ҳақиқа хизнат қилинмайди. Ҳеч қимда бирор бир норозилик уйғонмайди. Ахир розиричиликка нима етсин?

Биз мўйноқликлар ҳам сувнинг қадрини жуда яхши биламиз. Қурғоқчилик сувсизлик мавсумларида Яратгандан тоғларга тез-тез ва мўл қор ёғдир, деб сўраймиз. Сув бизга тўлиб келсин, дея ният қила-

миз. Далаларимиз чанқоғини қондирсин, Орол денгизимиз кўзини очсин, саҳраларимиз газабидан тушин, дейимиз.
Негаки, сув яхшилиқ, энг катта яхшилиқ. Савол туғилади, яхшилиқни тушовлаш жиноят эмасми? Шундай маҳаллари беихтиёр "Шайтонга ҳай беринг, биродарлар", дея ҳайқиргим келади.
Сувнинг бошида ҳам, охирида ҳам яшаётганлар умиди, орузи бири: яхшилиқ.
Энди охириги гапим. Сувга ёмонлик қилиб бўлмайди, Худо уради. Ундан кейин пушаймон ўтмайди, тавба ўтмайди. Буни зинҳор эсдан чиқармасинлар Роғунни қураётганлар.

Шарифой ҚАРЛИБАЕВ,
фермер.
Мўйноқ тумани

ҒУРУРИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ

Маълумки, 2010 йил 25 декабрдан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун кучга кирган эди. Мазкур ҳужжат давлат рамзларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улардан тўғри фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Қонунга биноан, Давлат байроғи ва гербининг тасвирини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш қоидалари ҳамда мадҳиямизни ижро этиш билан боғлиқ тартиблар аниқлаштирилди. Жумладан, байроғимизни бинолар, мажлислар заллари, хизмат хоналарида, Қуролли Кучларимиз ҳарбий тузилмаларида кўтариш, шунингдек, унинг тасвирини ҳаво кемаларига, автотранспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш белгилари ва бошқаларга тушириш масалалари

тартибга солинди. Шу билан бир қаторда, Давлат герби тасвирининг пастки қисмидаги “Ўзбекистон” ёзуви лотин ёзувида бўлиши белгиланди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессиялари ва Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида ижро этилади. Аини пайтда умумий ўрта,

мадҳиямизни ижро этиш билан бир қаторда, Давлат герби тасвирининг пастки қисмидаги “Ўзбекистон” ёзуви лотин ёзувида бўлиши белгиланди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессиялари ва Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида ижро этилади. Аини пайтда умумий ўрта,

бирга, Давлат рамзлари белгиларининг нодавлат ташкилотлар ҳужжатлари реқвизитлари ёки реклама материалларига киритилишини, бундай белгилардан тижорат мақсадларида фойдаланишни тақиқловчи ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Давлат рамзларига ўхшаш бўлмаглигини белгилувчи нормалар ҳам киритилди.

мақсадлари, интилишлари, тарихию келажак орзу-умидлари ифода этилади. Шунинг учун ҳам уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ҳурмат билан муносабатда бўлиш барчанинг муқаддас бурчидир. Шу боис қонунчиликда Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 203¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республика-

Қонун ва ижро

Шу ўринда Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш белгиланган тартибда Ташки ишлар вазирлиги ва ички ишлар органларига юклатилганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, давлат рамзларида моҳиятан ҳар бир халқнинг хоҳиш-иродаси, эзгу

Реклама ва эълонлар

си ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, герби ёхуд мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараварига, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақдоран содир этилса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.

Хулоса ўрнида айтганда, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда миллий рамзларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга ундаши, шубҳасиз. Шу ўринда, Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда талабларини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга тушунтириш бизнинг бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиши ҳам ўз-ўзидан тушунарлидир.

Алижон ОЧИЛОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Сурхондарё томонларда

Хизмат ва ҲИММАТ

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида Бойсун туманида 20 та янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш бўйича дастур қабул қилинган эди.

Унга мувофиқ, Бойсун шаҳрида “Хумо” кўп тармоқли хизмат кўрсатиш мажмуаси ўз фаолиятини бошлади. “Акбаршоҳ Бойсун”, “Алтайр минимакс” ва 110-автокорхона масъулияти чекланган жамиятлари мазкур лойиҳа учун 300 миллион сўм сўмлади. 30 та иш ўрни яратилган ушбу мажмуада ҳозир аҳолига 10 дан ортиқ турдаги хизматлар тақдир этилмоқда. Мажмуанинг очилиш маросимида ҳомийлик тарихида эҳтижманд оилалар фарзандларидан 6 тасининг никоҳ ва 20 тасининг суннат тўйлари ўтказилди.

Дастурхон кўрки

Тадбиркор Курбон Шукуров саяҳатлари билан Узун туманида нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда тадбиркорга банкнинг 25 миллион сўмлик кредити қўл келди. Эндиликда бу ерда хориж технологияси асосида 10 турга яқин ширинликлар тайёрланмоқда. Ўн нафар киши иш билан таъминланган мазкур корхона жамоаси қисқа фурсатда маҳаллий савдо шохобчаларига 30 миллион сўмлик нон ва қандолат маҳсулотлари етказиб берди.

О. УСАНОВ,
Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«SIBUZ-INVEST» МЧЖ
Болалар ва ўсмирлар учун
КИЙИМЛАР
RUDI family
Болалар хурсанд бўладилар!
Ўйинчоқ, МЧЖ, Ўзбекистон Республикасида қўрилган, Ўзбекистон Республикасида қўрилган, Ўзбекистон Республикасида қўрилган.
Ўзбекистон Республикасида қўрилган, Ўзбекистон Республикасида қўрилган, Ўзбекистон Республикасида қўрилган.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ

саноат корхоналари ривожидида ҳал қилувчи аҳамиятга эга

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали барқарор ҳўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини ошириш, шу тарафдан ички бозорни рақобатбардош товарлар билан тўлдиришга қаратилган. Бу жараёнда, хусусан, зарар

қўриб ишлаётган ёки иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришга республика тижорат банклари кенг жалб қилинаётгани, айниқса, яхши самара бераётгани. Молия муассасалари балансига ўтказилган ўнлаб банкрот корхоналар қисқа муддатда қайта оёққа туриб, мавжуд иш ўринларини тўлиқ сақлаб қолгани, янги турдаги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани бунинг исботидир.

қалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманидаги янги тўқимачилик мажмуаси қурилишида, Урганч шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва бошқа объектларда жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тижорат банклари балансига ўтказилган корхоналар уч йил давомида фойда, мулк ва ер солиқлари, ягона солиқ тўловидан озод этилган бўлиб, бу имтиёздан фойдаланаётган корхона жамоаси тежалган маблағларни фаолият қўламини кенгайтириш, ишчи-хизматчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирмоқда.

— Бозор қонунчиликлари таяниб иш юритган корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги янада ошмоқда, — дейди корхона директори Ражаббой Аллабергенов. — Биз ўз фаолиятимиз мисолида бунга гувоҳ бўлдик. Яратиб берилаётган шарт-шароит, имконият ва имтиёزلардан оқилонга фойдаланиб, узокни қўлаб, пишик-пухта иш юритаётганимиз туфайли кутилган натижаларга эришаётимиз. Эндиликда ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олган аҳил жамоамиз янги марраларни забт этиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Обид РаҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, бошқариш механизмининг такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга банк инвестицияларини кенг жалб этишда дастуриламал бўлмоқда. 2010 йилнинг апрель ойида фаолиятини бошлаган корхонага банк томонидан дастлаб 5 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритилиши белгиланган эди. Амалда эса бугунгача жами 5,3 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция ўзлаштирилди. Ушбу маблағ эвазига чет элдан 3 та замонавий экскаватор, «ХОВА» русумли 10 та юк автомобили, битта тиркама, цемент ташувчи машина ва трейлер харид қилинди, шунингдек, 24 та машина-механизм таъмирдан



кўрсатишга ихтисослаштирилган мазкур жамият ташкил этилди. 2010 йилнинг апрель ойида фаолиятини бошлаган корхонага банк томонидан дастлаб 5 миллиард сўм миқдорда инвестиция киритилиши белгиланган эди. Амалда эса бугунгача жами 5,3 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция ўзлаштирилди. Ушбу маблағ эвазига чет элдан 3 та замонавий экскаватор, «ХОВА» русумли 10 та юк автомобили, битта тиркама, цемент ташувчи машина ва трейлер харид қилинди, шунингдек, 24 та машина-механизм таъмирдан

HP konyu qisqich Windows® 7 Professional.
BIZNESNING xavfsizligi
Faster. Smarter.
HP ProBook 4520s – to'siqlarsiz hayot.
HP CarePack Services kengaytirilgan kafolati.
2011 Preferred Partner
ITXIM Informatika 341 00 00

ACCENT
NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.
Hyundai Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

Спорт • Sport • Спорт • Sport

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК УЙҒУНЛИГИ

Термиз шаҳрида республика VI аёллар спорт фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Байрамона безатилган "Алпомиш" спорт мажмуасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган ишчи ва хизматчи, оддий уй бекаси, ўқитувчи ва ҳамшира спортчи аёллардан таркиб топган терма жамоалар саф тортиди.

вожлантириш, айниқса, олис ва чекка қишлоқларда қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида хотин-қизлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланишга қизиқиш, интилиш йил сайин ортаётди. Айни пайтда мамлакатимизда 1,9 миллион аёл жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Бугун халқаро мусобақаларда юксак натижаларни кўлга киритаётган шахматчилар — Нафиса Мўминова, Хулкар Тохиржонова, Нодира Нодиржонова, Олдуз Хамроқулова, Сарвиноз Курбонбоева, бадий гимнастикачилар Сарвина Холиқова, Комила Тўхтаева, энгил атлетикачи Ситора Ҳамидова сингари ўнлаб қизларимиз барчамизнинг фахримизга айланган. Шунинг билан таъкидлаш керакки, Мустақиллик йилларида 15 нафар иктидорли қиз спорт соҳасидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Уларнинг

ўн нафари Жаҳон ва Осие мусобақаларида совринли ўринларни кўлга киритгани ҳам юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор ва кўрсатилган юксак ғамхўрлик самарасидир.

Мусобақани ҳар томонлама юқори савияда ташкил этиш учун вилоятда пухта тайёргарлик кўрилди. Бу борада шу йил Термиз шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод — 2011" спорт мусобақаларининг мамлакат финал босқичи муҳим тажриба мактаби вазифасини ўтади. Термиз олимпия захиралари коллежи, Термиз педагогика коллежи, "Алпомиш" мажмуаси, Термиз давлат университетининг спорт зали ва "Дельфин" сузиш ҳавзаси ҳамда "Сурхон" спорт мажмуалари қўшимча спорт жиҳозлари билан таъминланди.

Республика VI аёллар спорт фестивалининг тантанали очилиш маросимида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар томонидан катта концерт дастури намойиш этилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий Олимпия кўмитаси, "Маҳалла", Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Мамараимов, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Д. Ҳасанова Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналик ва болаларнинг муҳофазаси, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, аёллар, болалар ва оилавий спортни ри-

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ



Мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортга қаратилаётган катта эътибор туфайли ёшларимиз нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Қувонарлиси, юртимизда спортсеварлар сафи тобора кенгаймоқда.

Жумладан, Чимбой туманидаги 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби замонавий андозалар асосида бунёд этилган мухташам янги бинода фаолият кўрсатаётди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмагида барпо этилган ушбу муассасада 688 нафар ёш, жумладан, 192 нафар қиз спортнинг стол тенниси, волейбол, футбол, кураш, самбо, шахмат, бокс ва бадий гимнастика турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Барча зарур спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу мактабда 20 нафар тажрибали мурабий-ўқитувчи ёшларга спорт сирларини ўргатишмоқда. Саъй-ҳаракатлар ижобий самарасини ҳам бе-

раяпти. Хусусан, жорий йилнинг 12-13 апрель кунлари Нукус шаҳрида 1996 — 1997 йилларда туғилган ёшлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигида мазкур спорт мактаби тарбияланувчиси Ўрозали Бозорбоев фахрли биринчи ўринни эгаллаб, Қорақалпоғистон чемпиони, деган шарафли номга мушарраф бўлди.

Айни кунларда муассасада болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли спорт мусобақалари қизгин давом эттирилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
Шомурот ШАРАПОВ (сурат),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Тухфа

Чиноз тумани ёшлари мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида ажойиб совгага эга бўлишди.

Қишлоқда замонавий қошона

Гап шундаки, туман номи билан юритилувчи қишлоқ ҳудудидаги ташландиқ бино ўрнида замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уни бунёд этиш ва жиҳозлаш учун бир қатор корхона ва ташкилотлар 90 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Мажмуада, асосан, бадий гимнастика ва ўзбек миллий жанг санъати сирларидан сабоқ берилади. Шунингдек, ёшлар бу ерда спортнинг кураш, каратэ, таэквондо каби турлари билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга.

Мажмуанинг ишга туширилиши билан туманда фаолият юритаётган болалар спортини иншоотлари сони 8 тага етди.

Ш. ГАЙРАТОВ.

ҲАМ ХУШТАЪМ, ҲАМ ШИФОБАХШ

Богу роғларимиз, даладаш ва полизларда мазаси тилни ёрадиган шириндан-шакар мевалар пишиб етилмоқда. Улар орасида шотут ўзининг тотли таъми, минг дардга даволиги билан алоҳида ажралиб туради.

Айни ёз палласи эмасми, боғлардаги шотут кўркам қомаги, катта-катта барглари ёзиб, новдаларидаги қора-қизил маржонлари билан янада гўзал кўриниш касб этган. Унинг ана шу маржон мевалари халқ таъбабатида кўплаб хасталикларни даволашда қўлланилади. Хусусан, шотут ичак яллиғланиши ва хафаконга даво, кўз нурини оширувчи энг самарали табиий воситалардан биридир. Агар унинг мева қоқиси кашинч гиёҳи шарбатиде ивтирилиб, эрмон суви билан истеъмол қилинса, одам организми турли хил зарарли моддалардан тозаланари.

Халқ таъбабати

Буюқ табиб Абу Али ибн Сино шотут барглари томоқ оғриғига, етилиб пишган меваси ҳамда унинг шарбатини эса оғиз ва томоқдаги ўсмалар, ичбурук, шунингдек, захарлинишни бартараф этувчи восита сифатида тавсия этган. Масалан, шотут баргларида эзиб олинган шираров қоракрут захрини ариштира ижобий таъсир кўрсатар экан. Шотут ва қора анжир барглари эмигр сувида қайнатиб, шу сувга бош ювилса, сочлар тимқора тус олиб, жилланаркан.

Кавказ халқлари шотутни инсон умрини узайтирувчи неъмат сифатида эътироф этишди. Негаки, ушбу мева темир, қанд, фосфор, оксил каби моддалар ҳамда С ва Р витаминларига бойдир. Японияда эса у юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшиловчи восита ҳисобланади. Яна айрим халқларда шотутнинг, ҳатто, пўстлоғи ҳам доривор сифатида ишлатилади. Яъни дарахт пўстлогини янчиб, уни кунжут ёғи билан аралаштириб, бадандаги яра-чақаларга малҳам сифатида қўйилади.

Шотутнинг янги чиққан баргларида дўлма тайёрлаб истеъмол қилинса, қон таркибидаги қанд моддасини камайтиради, иштаҳани очади ва уйқунинг тиниқ бўлишига хизмат қилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Advertisement for Alfa Dominanta engineering company. Text includes: "Корхона, ташкилот ва кўжалик раҳбарлари диққатига!", "Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Alfa Dominanta» инжиниринг компанияси", "Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларига тўқум ва парранда гўшти етиштиришга мўлжалланган мевани паррандачилик фермалари, шу қаторда, 5 — 10 миңга бош парранда етиштиришга мўлжалланган фермалар учун тўқим, механикашароитланган кафедралар билан ҳамда барча жиҳоз ва ускуналарни комплекс тарзда етказиб бериш имкониятига эга."

Advertisement for Alfa Dominanta engineering company. Includes a table of prices for various types of piglets and a photo of a piglet.

Категория	Баландлик	Узунлиги	Оғир	Парранда оғир	Тури
1000-1100	90	280	125	56	она тарафи
1100-1200	130	280	125	112	она тарафи
1200-1300	160	280	125	168	она тарафи
1300-1400	200	280	125	224	она тарафи
1400-1500	150	280	135	180	бўйбоқ

Advertisement for "OB-XAVO" (23 July). Text includes: "Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.", "Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.", "Республикамизнинг тоғли туманлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 11-16, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.", "Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди."

Advertisement for "MADANIYAT" section. Text includes: "Олмалиқ шаҳри жамоаси биринчи", "Ўрта Чирчиқ туманида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Оналар куйлаганда» республика анъанавий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.", "Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда худудий саралаш босқичларида голиб чиққан 20 га яқин жамоа ва яққалон ижрочи ўз маҳоратини намойиш этди.", "Яқунда Олмалиқ шаҳри жамоаси биринчи, Паркент ва Бўстонлик туманлари вакиллари кейинги ўринларни эгаллашди. Шунингдек, етти та йўналиш бўйича ҳам голиблар номи аниқланди.", "Ҳ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири."

Advertisement for "MUKADDAS DIYOR TARRANTUMI" section. Text includes: "Гулистон шаҳрида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 20 нафар йигит-қиз ўз истеъдод ва маҳоратларини намойиш этди.", "Яқунда Ҳилола Эргашева биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Кейинги ўринлар Собирхўжа Ботиров ва Сайдулла Дўстназаровга насиб этди. Танлов голибларига вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Эндиликда голиблар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.", "Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири."

Footer section with contact information for "Kuzgu" newspaper. Includes: "Халқ сўзи Народное слово", "Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ", "2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.", "ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.", "ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КЎЛЭЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.", "Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.", "МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпиво. Навбатчи муҳаррир — А. Каримов. Навбатчи — З. Худойшукуров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.", "«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.35 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5"